



## 20 МАЙ – БУТУНЖАҲОН МЕТРОЛОГИЯ КУНИ

**Аниқ ўлчашлар — сифат ва хавфсизлик гаровидир.**

**Фан қачон бошланади, кейин ўлчаш бошланади.**

**Д.И.Менделеев**

Ҳар йили 20 май куни дунё ҳамжамияти Бутунжаҳон метрология кунини байрам сифатида нишонлайди. Ушбу байрам, 1875 йил 20 майда Париж шаҳрида 17 давлат иштирокида ўтказилган халқаро дипломатик конференцияда «Метрик Конвенция» (Metre Convention) имзоланган сана шарафига белгиланган.

Метрик Конвенция бу, метрология бўйича илмий фаолият кўрсатувчи биринчи халқаро келишув ҳисобланади. Метрик конвенция асосида биринчи халқаро илмий муассаса «Халқаро ўлчов ва тарозилар бюроси (BIPM)» ташкил этилган. Мақсад, давлатлар аро бирлик системалар ягоналини таъминлаш, бутун дунё ҳамкорлиги ва ўлчайдиган фанларнинг ўзаро алоқаси ҳамда ушбу фанлар ютуқларини саноатда, тижорат фаолияти ва ижтимоий ҳаётда қўллашдир. Метрик конвенцияга ҳозирги вақтда 57 давлат аъзо ҳисобланади.

«Халқаро ўлчов ва тарозилар бюроси (BIPM)» ҳамда «Қонунлаштирувчи метрология халқаро ташкилоти (OIML)» ҳар йили байрам арафасида биргаликда бир мавзу - унинг шиорини ва ечими метрологик таъминот-

ни талаб этадиган, йилнинг энг муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларини белгилайдилар. Ўтган 2021 йили «Саломатлик учун ўлчашлар» шиори остида Бюро барча метрик конвенцияга аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни давом эттирди. Бутунжаҳон метрологларининг жорий 2022 йилдаги шиори «Аниқ ўлчашлар - сифат ва хавфсизлик гаровидир» деб қабул қилинди. Ушбу шиор бевосита метрология соҳасини ривожлантириш мақсадида танланган бўлиб, унда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Метрология - ўлчашлар ҳақидаги фандир. Метрология инсон цивилизацияси каби қадимий бўлишига қарамасдан, у доим ўзгаришда давом этади. Унинг асосий тушунчалари: ўлчаш, ўлчаш воситалари, ўлчовлар бажаришнинг услубларидир. Ўлчашлар илми, янада кенгаётган метрология фанидаги ютуқ ва янгиликлар, ишлаб чиқариш, халқаро савдо муносабатлари, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаровонлигини оширишда асосий ролни эгаллайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги 2001 йилдан бошлаб Метрология бўйича Қонунлаштирувчи халқаро ташкилот (OIML) нинг аъзоси бўлди. Бу эса дунё метрология марказлари билан ўзаро алоқалар ўрнатишга ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини халқаро талаблар билан уйғунлаштириш имконини берди.

Бутунжаҳон метрология куни муносабати билан Рес-

публикамиз миқёсида соҳага доир тадбирлар уюштирилади. Бу аъёна Ўзбекистон миллий метрология институти давлат муассасаси Қашқадарё филиалини ҳам четлаб ўтмайди. Ҳар йили шу кунда жамоа ташаббуси билан тадбир уюштирилади. Тадбир давомида байрам муносабати билан соҳада кўп йиллар давомида меҳнат қилган фахрий ходимлар ва фаол мутахассислар муносиб тақдирланадилар.



**Иқтисодиёт, жамият ва бутун мамлакатимиз учун зарур бўлган ушбу фахри касбга истеъдоди, билими ва тажрибаларини бағишлайётган ва ҳозирда Республикаимизнинг турли соҳаларида фаолият юритиб келаётган барча ҳамкасбларимизни 20 май - Бутунжаҳон метрология куни билан жамоамиз номидан чин дилдан самимий муборакбод этамиз. Сизларга сўхат-саломатлик, фаровонлик ва эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!**

**Ж.ТАДЖИЕВ,  
“Ўз ММИ” ДМ Қашқадарё филиали  
Метрология бўлими бошлиғи**

### ИЖОДИЙ-МАДАНИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ТАРҒИБОТЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Болани ёшлигидан бадиий тафаккур қилишга ўргатиш, истеъдодини юзага чиқариш унинг интеллектуал ривожиди



муҳим омил саналади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5040-сонли қарорига мувофиқ, ўтган ўқув йилидан бошлаб ўрта умумтаълим мактабларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди. Ушбу лавозим таълим муассасалари-

да маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини аниқлаш, уни рўёбга чиқаришни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 28 декабрдаги «Умумий ўрта таълим муассасаларида Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимини жорий этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига асосан умумтаълим мактабларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи 0,5 штат бирлиги жорий этилди. Бугунги кунда республика бўйича ўн минг нафардан ортиқ тарғиботчилар фаолият кўрсатмоқда. Улардан қарийб ярми ёзувчи-шоирлар, журналистлар ва маданият ходимлари ҳиссасига тўғри келса, қолган ярми она тили ва адабиёт ҳамда бошқа фан ўқитувчиларидан иборат.

**Сарвиноз НАХОТОВА,  
Қарши шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 7-умумий ўрта таълим мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи**

### БЕШ ТАШАББУС МАКТАБЛАРДА



Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг март ойида бешта муҳим ташаббус илгари сурилди. Бу - ёшларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб этиш, уларда замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олади.

Ўзгор туман халқ таълими бўлимига қарашли 28-мактабда 5 ташаббус доирасида тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Мактабда кимё фани ўқитувчиси Фазилат Холматова кимё фанидан 5 ташаббус тадбирини ўтказдилар. Ўқитувчи 1994-йил ўз иш фаолиятини бошлаган. Иқтидорли ва қобилиятли ўқувчилари Озодбек Юлдошев, Лола Махмараимова, Фарангиз Тоштемирова, Асрор Ахматов, Зухриддин Собиров, Қувонч Элбоев ва Комил Эшдавлатовлардир. Тадбир кўтаринки руҳда ўтказилди.

**Фазилат ХОЛМАТОВА,  
Ўзгор туман Халқ таълими бўлимига қарашли 28-умумий ўрта таълим мактаб кимё фани ўқитувчиси**

### ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИДА МУЛТИМЕДИАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Она тили фанини ўқитишнинг асосий вазифаси сифатида «ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма



шаклда саводли баён қила олишга қаратилган нутқий компетенцияни шакллантириш; ўқувчида грамматикага оид ўзлаштириладиган билимларни (фонетика, лексикология, ёзув, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, мор-

фология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчаларни) ривожлантириш; она тилининг кенг имкониятларидан унумли фой-

даланган ҳолда тўғри ва раво баён эта олишни ривожлантиришга қаратил-

ган лингвистик компетенцияларни шакллантиришдан иборат» эканлиги белгиланган. Мультимедиа технологиялари ўқув жараёнини бойи-тади, ўрганишни янада самарали қилади, идрок этиш жараёнига жалб қилади таъ-

лим маълумотлари ўқувчининг ҳиссий компонентларининг аксарияти.

Мультимедиа ва гипермедиа технологиялари кучли тақсимланган таълим ресурсларини бирлаштириб, улар шаклланиши ва намоён бўлиши учун муҳитни таъминлайди. Асосий компетенциялар биринчи навбатда ахборот ва алоқани ўз ичига олади. Мультимедиа ва телекоммуникация технологиялари тизимда принципнол жиҳатдан янги услубий ёндашувларни олади.

**Дилрабо РЎЗИЕВА,  
Ўзгор туман халқ таълими бўлимига қарашли 28-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси**

### КИТОБ ИНСОН РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек келажакда юксак марраларни кўзлаган ҳар бир инсон албатта китоб билан ошно бўлади. Китоб ўқиган инсон билан ўқимаган инсон ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. «Биз-



ни ҳамisha ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала-бу ёшларнинг одоб-ахлоқ, юриш-туриши бир сўз билан айтганда дунёқарashi билан боғлиқ. Биз киммиз қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўз-лигига содиқ қолишига ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан.» деб юртбошимиз ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратадилар. Президентимиз ёшлар маъна-

виятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ташкил қилиш ва ёш авлод ўртасида китобхонликни ривожлантириб, китоб Мутолаа қилиш ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Шахрисабз шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 9-умумий ўрта таълим мактабининг психолог ўқитувчиси Сарвиноз Хўжаева бошчилигида мактаб ўқувчилари билан Шахрисабз шаҳридаги марказий кутубхонага таширф буюрдилар.

Китоб ўқишдан мақсад ақл-тафаккур билан уни мантиқий муҳокама этишгина емас, балки чин юракдан завқланиш, таъсирланиш, ўзлики, ҳақиқатни излаб топиш ҳамдир. Файласуф Ян Миндан дўсти сўрабди: «Китоб ўқигандан сўнг ҳеч нарса ёдда қолмас нима қилмоқ керак?». У «Уни тушунмоқ керак, ёдлаш шарт эмас. Тушунмоқ зарурияти ҳам иккинчи даражали нарса. Энг аввало, китобнинг асосий моҳиятини анг-ламоқ жоиз» деб жавоб берибди.

**Сарвиноз ХЎЖАЕВА,  
Шахрисабз шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 9-умумий ўрта таълим мактаб психологи**

## ТАДБИРЛАР САРАЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги “Заковат”

Интеллектуал ўйини аҳоли ўртасида оммавий – маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора тадбирлар тўғрисидаги 96-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қарши шаҳар 4-44-10-умумий ўрта таълим мактабларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилари 4 мактаб тарғиботчиси У.Нусуров бошчилигида “Заковат” интеллектуал ўйинлари 7 синфлар ўртасида бўлиб ўтмоқда. 10-мактабда 10 “а” ва 10 “в”-синфлар ўртасида “Заковат” ўйинлари бўлиб ўтди. 10 “а”-синф ўқувчилари илғор бўлишди. 44-мактабда 9-синфлар ўртасида бўлиб ўтди. Воҳидов Асилбек 1 даражали Диплом билан тақдирланди. 22-мактаб М.Луқмонова мактабидан китобхон Ш.Сафарова ўқувчиси телевизор совринини қўлга киритди. С.Насафий номидаги Қашқадарё вилояти ахборот кутубхонасида “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида “Энг фаол китобхон ўқувчи” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қарши шаҳридаги барча мактаб ўқувчилари қатнашиб соврунли ўринларни, катта совғаларни қўлга киритишди. Манашундай тадбирларни олиб

боришда вилоятдаги ходимларимиз фаол иш олиб бориш мақсадида ижодий маданий фаллиқни ошириш бўйича У.Нусуров, Ш.Хайдарова, М.Акбаров шаҳар ҳокимияти томонидан совға-саломлар, китоблар Дипломлар



билан ўқувчилар тақдирланди.

**Раҳима ЖАББОРОВА,**  
**Маънавий-ахлоқий тарбия ва таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш шўба раҳбари**  
**Дилфуза ЭРКАЕВА,**  
**10-мактаб ижодий-маданий ишлар бўйича тарғиботчиси**

## УСТОЗНИНГ МЕҲНАТИ – ШОГИРДЛАР КЕЛАЖАГИ

Барчага маълумки жамиятнинг бугунги ва эрта-



си, унинг маданий-маърифий салоҳияти, таълим тизимининг қай даражада ривожланиётганлиги билан белгиланади. Таълим тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқувчи ва мураббийларнинг фидокорона меҳнатларига боғлиқ эканлиги барчамизга аён.

Бугун Чироқчи туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли умумтаълим мактабида мактаб ўқувчилари томонидан “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида саҳналаштирилган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Спектакл премьерасини Дин ишлари бўйича Қўмитанинг Чироқчи туман бош мутахассиси Б.Халилов, туман ДХХ ходими С.Эргашев туман ИИБ ТЭКК-бошлиғи Қ.Бойгазиевлар ва Республика маънавий-маърифат маркази туман бўлини маси раҳбари А.Хуррамовлар кузатиб

боришди. Мактаб ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган спектаклнинг бош гоёси сифатида ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари турли ёт гоёлар таъсирига тушиб қолиши ва уларнинг аянчли қисматлари кўтарилган. Ўқувчилар томонидан юқори даражада ижро этилган премьераси сўнггида меҳмонларнинг самимий фикрлари тингланди ва ўқув-



чиларга фахрий ёрлик ва китоблар совға қилинди. Мактаб ўқувчилари томонидан бу каби спектаклни саҳналаштирилганлиги бизнинг ютуғимиздир, дейди Б.Халилов Дин ишлари Қўмитасининг Чироқчи туман бўлими бош мутахассиси. – Биласизми энг муҳими ёш авлод вакиллари онгида ёт гоёларга қарши миллий умум инсоний иммунитетининг мустаҳкам шаклланишидир. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсон ўзлигини англаши даҳлдорлигини билиши атроф муҳитдаги воқеаларга бефарқ бўлмасдан, дунёвий ва диний билимларни чуқур

ўрганиш ва билиш доимо изланишда бўлса албатта “Жаҳолатга қарши маърифат” кураша олади. Ўқувчи ёшларимизнинг ёт гоёларга берилмаслик, маънавий оламида бўшлиқ бўлмаслиги учун уларнинг қалбида ва онгида соғлом ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат эҳтиром туйғусини ёшлик пайтларидан бошлаб шакллантиришимиз лозим.

Фарзандларимизга ватанига, миллатига, муҳаббатли бўлиш ҳиссини ҳиёнат сотқинлик бепарво-лик каби иллатларга “Жаҳолатга қарши маърифат” билан курашишни шакллантиришимиз лозим. Тадбир сўнггида мактаб директори Раёно Бегимова тадбир ташкилотчиларига ва иштирокчиларга ўз ташаккурини изҳор қилди. Тадбирда иштирок этган ўқувчиларни “Мақтов ёрлиғи” ва турли хил бадий китоблардан иборат эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Райхон ДАВРОНОВА,**  
**Чироқчи туман 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг Тарбия фани ўқитувчиси. “Шўхрат” медали соҳибаси**

## ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётига хавф соладиган, қолаверса тўсиқ бўладиган иллат коррупциядир. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва бунда коррупция жиноятига қарши курашиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда, улар учун “Очиқ эшиклар кўни”ни ташкил этиш, мавжуд муаммолар тўғрисидаги мунозаҳатларни ҳал этиш мақсадида “Ишонч телефон”лари ишини фаоллаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан кенг қўламли профилактика ишларини олиб бориш орқали улар фаолиятида содир этилиши мумкин бўлган тартиб бузиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ишлар олиб боришмоқда. Тадбиркорлик субъектлари учун эслатма тариқасида белгиланган давлат статистика ҳисоботлари шакллари билан тақдим этиш муддатлари тўғрисида мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали, кўргазмали стендлар ва

бошқа имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда эълон бериб боришмоқда.

Тадбиркорлик субъектлар томонидан тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботларининг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан олдиндан тушунтириш-маслаҳатлар бериб бориш ишлари олиб борилади. Бунда янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоботларни тақдим этиш тартиблари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

Тадбиркорлик субъектларини қизиқтирган савол ва мунозаҳатларига малакали жаваб ва маслаҳатлар берилишини таъминлаш, туман ва шаҳарларда фаолият юритаётган тадбиркорларда юзага келаётган муаммоларни тезкор равишда ҳал этиш орқали тушунтириш ишларини янада яхшилаш мақсадида, вилоят статистика бошқармасида “ишонч телефонлари” тел:(75)221-16-42, (75)220-04-19 рақамлари ташкил этилган. Телефон орқали келиб тушган мунозаҳатларни тезкор ҳал этиш учун малакали мутахассислар жалб қилинган ва ҳар бир ҳолат бўйича назорат ўрнатилган.

**Ф.МИРЗАЕВА,**  
**Муборак туман статистика бўлими етакчи мутахассиси**

## Таълим тизимидаги ислохотлар муваффақияти

Барчага маълумки, жамиятнинг бугунги ва эртаси, унинг маданий-маърифий салоҳияти, таълим тизимининг қай даражада ри-

га, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Бу ёруғ оламда онадек

қарамасдан салмоқли натижаларга эришган.

Шаҳрисабз шаҳар ХТБга қарашли 3-умумий ўрта таълим мактаби томонидан “Фарзандларимиз келажагига бефарқ бўлмайлик” номли акция доирасида 9-11 синфдаги ўқувчиларнинг ота-оналарини руйхати тузилди ва давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Учрашувда Шаҳрисабз шаҳар ХТБ бўлими мудри О.Жалилов, мактаб директори Д.Эгамбердиева ЎИБДЎ бўйича Ф.Қобилова ва мактаб амалиётчи психологлари М.Хуррамова, Ш.Рўзиева А.У.лар ишти-



роқ этишди. Бундан ташқари 9-, 11-синф ўқувчилари билан ота-оналар ташаббуси билан ўзларининг касблари ва ўзлари фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларга саёҳатлар ташкил этилди.

меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва



Устоз деганда ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорчилик туйғулари, шу билан бир-

мўътабар бўлган улуғ зот – бу муаллим ва мўътабар бўлган улуғ зот – бу муаллим ва мураббийлардир. Шундай шогирдлар борки, улар ёш бўлишига

роқ этишди. Бундан ташқари 9-, 11-синф ўқувчилари билан ота-оналар ташаббуси билан ўзларининг касблари ва ўзлари фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларга саёҳатлар ташкил этилди.

**Алиса РЎЗИЕВА,**  
**Моҳидил ХУРРАМОВА,**  
**Шаҳрисабз шаҳар ХТБ қарашли 3-умумий ўрта мактаби амалиётчи психологлари**

## 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида

**«Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, доимий ёки вақтинча яшовчи ёхуд вақтинча Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, аммо аҳолини рўйхатга олиш даврида вақтинча хорижий давлат ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари респондент сифатида рўйхатга олинади.**

Қонунни ишлаб чиқишда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа статистикалари конференциясининг аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш бўйича асосий тамойиллари ва тавсияларидан асос сифатида фойдаланилди. Қонунни ишлаб чиқишда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа статистикалари конференциясининг аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш бўйича асосий тамойиллари ва тавсияларидан асос сифатида фойдаланилди. Аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади ва асосий вазифалари: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яхлит ва ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича аниқ бир

вақтда яшовчи шахсларнинг турли тавсифлари тўғрисида халқаро таққослана оладиган ишончли, ҳолис ва яхлит маълумотларни ягона статистик услублар асосида йиғиш аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади ҳисобланади. Қуйидагилар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади: аҳоли таркибидаги глобал ўзгаришларни баҳолаш, демографик сиёсатни, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар аҳолини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун ахборотлар базасини кенгайтириш; аҳоли пунктлари ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурлар тайёрлаш ва индиктив режалаштириш; миллий барқарор ривожланиш мақсадларини шакллантириш ва унинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиш; аҳолини рўйхатга олиш давлари ораллигида аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини юритиш, аҳоли сонининг ҳисоби ва прогнозларини амалга ошириш учун статистик базани яратиш;

**Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси**

## ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИ, НАФАҚАЛАР, КОМПЕНСАЦИЯЛАР ВА БОШҚА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

**Жорий йилнинг 07 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–198-сонли Қарори қабул қилинди.**

Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 майдан:

“Темир дафтар”, “Ёшлар дафтери” ва “Аёллар дафтери”га киритилганларга ва жазони ўтаб озоликка чиққан фуқароларга бериладиган тўловлар ҳар ойнинг 5-санасигача молиялаштирилади ҳамда АТ “Халқбанки”нинг сайёр кассалари томонидан маҳаллаларга етказилади; АТ “Халқбанки” томонидан пенсия, нафақалар ва моддий ёрдамни фуқароларга нақд етказиш хизматлари учун Пенсия жамғармаси ва бюджетдан 1 фоиз банкка хизмат ҳақи тўлаб берилади; пенсия, нафақа, компенсациялар ва моддий ёрдам пулини банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий қилинади; 2022 йил 1 сентябргача ҳарбийлаштирилган пенсиялар тизими автоматлаштирилади ва пенсия варақаларини юритиш амалиёти бекор қилинади. 2022 йил 1 октябргача хориждан 1 800 та банккомат олиб келиб олиш ҳудудларга ўрнатилади.

Шунингдек, 2022 йил якунигача пенсия ва нафақа олувчилар маблағларини масофадан бошқариш имконини берувчи банкнинг янги мобил иловаси ишлаб чиқиши кўрсатиб ўтилди.

**И.ЭРГАШЕВ,**  
**Яккабоғ туман Адлия бўлими бошлиғи**

## АЗОТЛИ ОРГАНИК БИРИКМАЛАР

АЗОТ (лот. Nitrogenium), N — Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 7. Ер пўстининг оғирлик жиҳатидан 0,01 фоизини ташкил этади. Ҳавода эркин ҳолда бўлади (ҳавонинг оғирлик жиҳатидан 75,6%; ҳажм жиҳатидан 78,9% азотдан иборат. Тупроқда турли минераллар ва органик бирикмалар таркибига кирган ҳолда учрайди; масалан у натрийли селитра (NaNO<sub>3</sub>) ва калийли селитра (K<sub>2</sub>NO<sub>3</sub>) таркибида бўлади, тошкўмирда 1 — 1,25%, нефтда 1,5%, оксил моддаларда 17%, одам танасида 3% гача бўлиши мумкин. Азотни биринчи марта 1772 йилда Резерфорд ажратиш олган.

Суюқ Азотдан паст температура билан боғлиқ бўлган ишларда (криостатлар, вакуум қурилмалар ва бошқада) фойдаланилади. Азотнинг табиий бирикмалари аммоний хлорид ва турли нитратлар (селитралар)дан иборат. Ўрта Осиёнинг қуруқ чўл

иклимида кўп миқдорда селитра тўпланади. Азот оксиллар, нуклеин кислоталар, хлорофилл ва ферментларнинг ажралмас таркибий қисми бўлганлигидан ўсимликлар ҳаёт фаолиятида асосий аҳамиятга эга. Ўсимликлар тупроқдаги азотли моддаларни ўзлаштириб, улардан оксил ҳосил қилади. Ҳаводаги эркин Азотни Азот бирикмаларига айлантирувчи микроорганизмлар туфайли тупроқда анча миқдорда Азот тўпланади. У тупроқда асосан тўрт хил бирикма ҳолида: чиринди (гумус) азоти, аммоний тузлари, нитратлар (NO<sub>3</sub>), оксил органик азоти (тўлиқ парчаланмаган ўсимлик қолдиқлари) ва уларнинг ўзгариш маҳсулотлари — аминокислоталар, пептидлар, амидлар ва аминлар ҳолида мавжуд бўлади.

**Ҳадича ТОШОВА,**  
**Фузор туманидаги**  
**74-мактабнинг биринчи тоифали**  
**кимё фани ўқитувчиси**

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Умумтаълим мактабларида хорижий тилларни



ўқитишда янги замонавий педагогик технологиялар жорий этилган. Фузор туманидаги 74-сон мактабимизда ҳам хорижий тилларни ўқитишда, очик машғулотлар ўтиш учун мазмунли ва қизиқарли ўтказишга доир тадбирлар режа-

си ишлаб чиқилган. Шунга кўра, мактаб биноси, йўлаклар инглиз тилига оид кўргазмалар қурилди, плакатлар ва буклетлар билан безатилади.

Дарс давомида ўқувчилар рағбатлантирилиб борилди. 6-синфда "What were you doing" мавзусида очик дарс ташкил этилди. Ўтилган мавзу "Independent work" асосида уйга берилган шеърлар сўраб баҳоланди. Янги мавзу "Ўтган давомли замон" (Past Continents Tense) мавзуси грам-

матикаси слайдлар асосида тушунтирилди. Мазуни мустақамлаш мақсадида тарқатма материалларга тайёрланган гаплар тушунтирилган маълумотлар асосида йиғилди. Кейинги машқда ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун

тайёрланган расмни янги грамматик маълумотлар асосида тасвирлади. Дарс якунида тўпланган рағбат қарточкалари ҳисобланиб, голиблар аниқланди.

Мактабимизнинг инглиз тили фани ўқитувчилари ўз касбининг моҳир усталари сифатида эътироф этилади. Улар ҳам ҳар бир машғулотга алоҳида меҳр билан тайёрларлик кўриб, бошлангич ва юқори синф ўқувчиларини хорижий тилларни иштиёқ билан ўрганишларига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Эътиборли томони мактабда чет тиллари бўйича барча синфлар кесимида фан тўғараклари фаолияти ишлаб турибди.

**Шоира ИСАЕВА,**  
**Фузор туманидаги**  
**74-мактабнинг олий**  
**тоифали инглиз тили**  
**фани ўқитувчиси**

## АДАБИЁТ – ҲАЁТ ДАРСИ

Мактабимизда она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари тамонидан қизиқарли маънавий-маърифий кечалар, очик машғулотлар тез-тез ўтказилиб турилади. Яқинда мен машғулот олиб борадиган бошлангич синф ўқувчилари иштирокида болалар шоири Шукр Саъдулла ҳаёти ва ижоди, унинг "Баҳор келди" шеърига бағишланган очик дарс ташкил этдим. Машғулотда фан ўқитувчилари, директори ўринбосари Юлдуз Қулбобоева, амалиётчи психолог Мунира Нурманова, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари Замира Пармонова ва Феруза Намозовалар иштирок этиб, яхши фикрларни билдиришди.

Шукр Саъдулла 1912 йилнинг 15 январиди Жиззах шаҳрининг Тошкентлик маҳалласида хизматчи оиласида туғилган. У 7 ёшга тўлганда маҳалладаги эски мактабга боради ва у ерда тез савод чиқаради, сўнгра янги ташкил этилган Наримонов номли мактабда ўқишни давом эттиради. 12 ёшида мак-

табни битиргач, билимини янада ошириш мақсадида 1924 йилда Самарқанд шаҳрига келиб, Педагогика билим юртига қиради.



Худди шу масканда адабиётга бир умр боғланади, шеър машқига жиддий берилади. Ш.Саъдулланнинг дастлабки шеърлари, асосан, катталарга мўлжалланган. Ш.Саъдуллага кучли таъсир кўрсатади. Унда қувноқ бо-

лажонламнинг бахтиёр ҳаётини ифодалаш туйғуси кучаяди.

1950 йилда Ш.Саъдулла Иброҳим Муслим билан ҳамкорликда болалар шоири С.Маршакнинг "Шеър ва эртаклар" асарини ўзбек китобхоналарига тортиқ этишган.

**Нилуфар ҚҮЛДОШЕВА,**  
**Фузор туманидаги 74-мактабнинг**  
**бошлангич синф ўқитувчиси**

## МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИ

Самимий шеърлари оҳанграбо қўшиқларга айланган, ҳар бир ўзбек хонадо-



нига кириб борган лирик шоир Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғида

деҳқон оиласида туғилган. Шу ерда ўрта мактабни тугатгач, республика Рус тили ва адабиёт институтига ўқишга кириб, уни 1978 йилда битирган.

Ижодга ҳавас уни олий маълумот олгач, Тошкентда қолишга ундади. 1978-1980 йилларда Китобсаварлар республика жамиятида, 1980-1986 йилларда "Тошкент оқшоми" газетасида, 1986-1992 йилларда Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, 1992-1995 йилларда "Ўзбекистон овози" газетасида, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигида ишлади. 1995-1996 йилларда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиди, 1997 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

маси раиси ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди.

"Таниш тераклар" шоирнинг ilk китоби. Биринчи китобиёқ уни элга танитди, тўпламдаги шеърлардан дунёга келган дилтортар қўшиқлар эса уни машҳур қилди. Иқтидорли шоирнинг "Булбулга бир гапим бор", "Уйқувдаги киз", "Ҳалима энам аллалари", "Кўнглимда бир ёр", "Бевафо кўп экан", "Ёлгончи ёр", "Эрка кийик", "Осмониюга олиб кетаман" каби кўплаб шеърый китоблари босилиб чиққан.

Муҳаммад Юсуф шеърлари самимийлиги, омманинг руҳига яқин бўлганлиги учун ҳам китобхоннинг кўнгил мулкига айланган.

**Зилола ҲАСАНОВА,**  
**Фузор туманидаги 74-умумий**  
**ўрта таълим мактаби**  
**2-тоифа она тили**  
**адабиёт ўқитувчиси**

## АБДУЛЛА ОРИПОВ – БЕТАКРОР ШОИР

Абдулла Орипов адабиётга лирик шоир сифатида кириб келди. Талабалик йилларидаги шеърларининг баъзилари унинг ўзига хос бадиий идрокка, кучли эҳтиросларга эғалигини, сатрлари раван, табиий, истиоралари оригинал эканини кўрсатди. "Сув париси", "Қуз ҳаёллари", "Пушкин", "Сен баҳорни соғинмадингми", "Булок", "Одамлар" шеърлари бунга далил бўла олади.

Абдулла Ориповнинг бадиий тафаккури, оддий тилда айтсак, поэтик истеъдоди баланд эди. Даҳо шунчаки улуғ, буюк истеъдод эмас. Буюк истеъдод ижод қиладиган адабий турини, жанрини гоёвий-бадиий жиҳатдан та-

комиллаштиради, янги образлар, бадиий услублар, оригинал ва ҳаммага манзур асарлар билан бойитади.

Абдулла Орипов Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Давлат мадҳияси муаллифи ва жамоат арбоби. Ардоқли шоир умрининг сўнгги йилларини АҚШда ўтказди. Абдулла Орипов 2016 йил 5 ноябрга ўтар кечаси Техас штати Ҳьюстон шаҳри қасалхонасида 75 ёшида узок давом этган оғир касалликдан сўнг ҳаётдан кўз юмди. Абдулла Орипов талабалик йилларида ноқ иқтидорли шоир сифатида танилишни бошлаган. Абдулла Орипов моҳир таржимон ҳамдир. У

жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек китобхоналарига етказишга улкан ҳисса қўшган. Жумладан, Уйғониш даврининг йирик вакили Данте Алигьерининг "Илоҳий комедия"сининг "Дўзах" қисмини, Александр Пушкин, Николай Некрасов, Тарас Шевченко, Расул Ҳамзатов, Леся Украинка каби машҳур шоирларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. Абдулла Орипов номи билан у туғилиб ўсган вилоятнинг марказида ижод мактаби очилган.

**Азиза АЛИЕВА,**  
**Фузор туманидаги**  
**74-мактабнинг 2-тоифали она тили ва адабиёт**  
**фани ўқитувчиси**

## РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИ

Кўпчилик грамматикани яхшилаб ўзлаштириб олинса, кейин бемалол рус тилида гапириб кетиш мумкин дейишади. Лекин бу унчалик ҳам ҳақиқатга яқин эмас. Эркин гаплашиш учун грамматика қоидаларни яхшилаб ўзлаштириш билан иш битмайди, кўпроқ шу ўрганганларингизни амалда фойдаланганингиздан сўнггина бунга эришишиз мумкин.

Грамматикани ўрганиш деганда, жуда мураккаб ичкарига кириб кетмаслигингизни тавсия қилардим, чунки зерикиб қолиб, иштиёқингиз сўсайиб қолади. Мисол учун мен ўзим қандай родлар борлиги билан танишиб олганман аввало, сўнгра олмошларни родлар билан келганда қандай ишлатилиши билан танишганман, шунингдек сифатларни ҳам. Аммо, неча хил олмош бор, номлари нима, эга ва кесими қаерда деб ўзимни қийнамаганман. Ахир, биз рус тили бўйича институтга имтиҳон топширишга тайёрланма-ямиз-ку! Бирок феълнинг рус тилида икки хил кўринишини мукамал ўрганишга ҳаракат қилиш керак (Совершенный и несовер-

шенный вид глагола).

Шунинг учун ҳолатга қараб қай ҳолларда руслар қандай жумлалар ишлатишади шуларни ёдлаш керак. Мисол учун: Маршрутда кетаётганда – шу ерда тушиб қолай ёки тўхтатиб кетинг деймиз. Кафеда томлиниб бўлганимиздан сўнг – ҳисобни олиб келинг деймиз. Машинада қўшиқ эшитиб кетаётган бўлсак – товушини баланд қилиб юборинг деймиз. Шу каби ҳоллатларда рус тилида гапирувчилар қай жумлаларни фойдаланишади? Ишонинг шундай ҳолат ичида ўргансангиз мустақкам қоларкан хотирада ва керакли вақтда ўз-ўзидан гапириб юборасиз керакли жумлаларни.

Шунингдек интернетдаги фойдали манбалардан фойдаланинг, субтитрли фильмларни ҳам томоша қилишни қанда қилманг. Бу рўйхат албатта кейинчалик кенгайиб боради.

**Марзия АМАНОВА,**  
**Фузор туманидаги 74-мактабнинг**  
**биринчи тоифали рус тили фани**  
**ўқитувчиси**

## ИЖОДИЙ-МАДАНИЙ ИШЛАР КЎЛАМИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5040-сонли қарорининг 7-банди билан ташкил этилган Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими умумтаълим мактабларида фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши замонага мос равишда ўзгариб бормоқда. Жамиятимизда «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган ҳаётбахш ғоя муҳим ижтимоий воқеликка айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан

дан ўқувчиларимиздан Нозима Собирова 8-"а" синф, Хонзо-



да Тулқинова 10- "б" синф, Маржона Холбобоева 7- "а" синфда ўқийди. Улар ижоди маҳаллий нашрларга чоп этилмоқда. Мактабимизда ижодкор ўқувчиларнинг сафи ошиб бормоқда.

**Гулчирай ҲАМДАМОВА,**  
**Фузор туманидаги**  
**74-мактабнинг ижодий-**  
**маданий масалалар**  
**бўйича тарғиботчиси**

## МАМЛАКАТИМИЗ СЕЛЕКЦИОНЕРЛАРИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИ

Саховатли заминимизда етиштирилаётган ноз-неъматлар бутун дунёга маълум ва машҳур. Истиклол йилларида Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, ғалла мустақилли-



га эришилди.

Пахта яккахоқимлигидан воз кечиш уни етиштиришни янада такомиллаштириш, серхосил янги навлар яратиш, тола сифатини яхшилаш имконини берди. Дунё бозоридида мамлакатимизда етиштирилган пахтага та-

лаб мунтазам ортиб бораётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Талаб юқори бўлган оппоқ, толаси узун ва пишқоқ пахта навларини етиштиришни мақсад қилган мамлакатимиз олимлари бу борадаги ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Пахтанинг турлари кўплигига қарамадан, етиштирилаётган ғўза навлари генетик хилмаҳиллигининг чекланганлиги дунё пахтачилигининг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолаётир.

Энг муҳими, бундай замонавий технологи-яларнинг қишлоқ хўжалиги селекцияси амалиётига жорий этилиши дунё миқёсида Ўзбекистон селекция илм-фанининг нуфузи ва рақобатбардошлигини оширади. Давлатимиз томонидан бу борадаги ишлар қўллаб-қувватланиб, инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда ушбу йўналишдаги устувор вазифаларни ҳал этишга қодир истеъдодли ёш олимлар етишиб чиқаётгани биотехнологик тадқиқотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги фанини юксалтириш, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, пировардида Ватанимиз тараққиётига хизмат қилади.

**Муяссар ҲАСАНОВА,**  
**Фузор туманидаги 74-мактабнинг би-**  
**ринчи тоифали бология фани ўқитувчиси**

# ФИДОЙИ МАЪНАВИЯТ ЧАШМАЛАРИ

Бугунги кунда газетамиз орқали юқорида таъкидлаганимиздек, ўз билими иқтидори инсонийлик фазилатимдан келиб чиқиб, ўз ишига садоқатли инсонларимизни қадрлашимиз булар фаолиятдан баҳраманд бўлишимиз, маънавият чашмасига бир назар солишимиз шартдир.

Бугунги кунда юртимизда ёшлар тарбияси, уларнинг билим олиши ва малакали кадр бўлиб етиштишларига катта эътибор қаратилмоқда ва бунинг амалдаги исботини биз барча таълим ташкилотларида кўришимиз мумкин.




Ҳозирги кунда энг қизиқарли фанлардан бири информатика фани ҳисобланади. Абдумалик Турсунов ўз меҳнати орқасидан Косон туманидаги 30 мактабда таълим тарбия бериб ўзларидан чиройли меҳр ва эътиборга сазовар бўлганликлари боис вилоят халқ таълимида иш фаолиятини олиб борган.

Ҳозирги кунда 2022 йилдан Косон Халқ таълими бошлиғи бўлиб фаолият юритиб келмоқда. Фаолияти давомида янги авлод янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар бекиёс эканини яхши тасаввур қиламиз. Абдумалик Турсунов қисқа давр ичида кўпчиликни меҳрини қозонди, бу албатта катта жасоратдир. Раҳбар сифатида ҳар бир инсонни фикрини эшитиб энг тўғри йўлни танлаб бериши олий саодатдир шундагина инсон эъзоз топади Мухтасар айтганда, мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётдаги ўрнини ва таъсирини, фарзандларимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди.

Хайитова Махфуза опа кўп йиллар давомида таълим тарбия соҳасида ўз билим ва тажрибасини орқасидан эътиборга тушган инсон десак адашмаймиз она тили ва адабиёт фанининг чинаккам эгаси сифатида педагогика коллежида, мактабда дарс бериб ҳозирги кунда Косон тумани ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалар бўйича маслаҳатчиси Махфуза Хайитовани иш фаолиятига назар солсак. Мана ҳозирги кунда тилимизга эътибор жуда кучайиб бормоқда. Косон тумани Абдулла Орипов номидаги ахборот кутубхона марказида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қалбида Она-Ватанга, Она тилига муҳаббат

туйғусини янада кенгрок сингдириш мақсадида туман миқёсида “Ўзбекистон-Ватаним менинг” мавзусида иншолар танлови ташкил этдим унда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўз ижодий маҳоратларини намоиш этдилар.



Тадбирда фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчилар қимматбахо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди. Косон туманида туман ҳокимининг эътибори ҳозирги кунда ёшларимизни маънавиятли маърифатли инсон бўлиши учун жуда катта ишлар қилинди. Купойиш этилди. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида ўқитувчилар фаолиятига алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Ҳалима Сатторова Косон тумани мактабларида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган, 10 йилдан ошиқ мактаб директори, сўнг вилоят ХТда фаолиятини давом эттириб, бугунги кунда Косон тумани Халқ Депутатлари туман кенгаши қотибияти мудир сифатида туманимизда фаолиятларини давом эттириб келмоқдалар. Ҳозирги кунда Косон тумани-

Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади.

Шунинг учун қачонки бу ҳақида гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросини эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот-ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини хурмат билан тилга оламиз.

Қарши шаҳар ХТбошлиғи Наргиза Самадова



Қарши шаҳрининг зиёли оиласида таваллуд топиб билим олиш изланиш бир неча мақолалари матбуотда, чет эл матбуотларида ҳам чоп этилиб келмоқда.

Наргиза Самадова раҳбар сифатида фаолият юритишларидаги энг бир камптарона фазилатлари жамоа ўртасида хурмат ва эътибордалиги мактаблар ўртасида бўладиган шикоят ва муаммолар атрофлича муаммоларини ўрганиб чиқиб ечимини топиб бериш бу албатта жасо-

рат талаб қилади. Опа мана шундай меҳнатлари ортидан эъзоз топган раҳбардир. Ўз билим ва малакалари ортидан бир неча унвонларни олишга мушарраф бўлдилар.

Халқаро илмий масалалар “Энг яхши илмий мақола” 2021 йил кўрак нишони билан тақдирландилар.

“Қашқадарё илм юлдузлари” китобини чоп этилиши Наргиза Самадова ҳали ҳамон илм сирларини изланишда давом этмоқда, тарих фанини мукаммал ўрганган фидойи раҳбаримиз ширларни бешикдан қабргача илм олишдир билимли инсон ҳеч қачон ҳор бўлмайди.

Бугун таълим тизимида олиб борилаётган ҳар қандай сайё-ҳаракатларимиз негизда шубҳасиз,



табларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жойлар-

да мактаблар қурилмоқда, таъмирланмоқда. Бу эса ёш авлодни баркамол инсон сифатида шакллантириш борасидаги дадил қадамлардан бири, десак муболаға қилмаган бўласмиз.

Қарши туман ХТбўлими бошлиғи Мухайё Юсупова ўз иш фаолиятини умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат фанидан дарс беришдан бошлаган 2007 йил Қарши шаҳар 45 умумий ўрта таълим мактаби ўқув ишлар бўйича қ и л и б ў с т и р и ш у с т у в о р в а з и ф а ҳ и с о б л а н а д и. Шу боис, айниқса, мактабларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жойлар-

Инсон камолатида таълим тарбиянинг ўрни алоҳидадир. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида ўқитувчилар фаолиятига алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Ҳалима Сатторова Косон тумани мактабларида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган, 10 йилдан ошиқ мактаб директори, сўнг вилоят ХТда фаолиятини давом эттириб, бугунги кунда Косон тумани Халқ Депутатлари туман кенгаши қотибияти мудир сифатида туманимизда фаолиятларини давом эттириб келмоқдалар. Ҳозирги кунда Косон тумани-

даги бўлаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини самарасини ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўриб гувоҳи бўлдилар, яқинда маданият уйини янгитдан ишга тушиши 5 май куни Тошкентлик бир гуруҳ ижодкор санъаткорларни ташрифи Косон аҳлини ижодига ижод қўшилишига аниқ ишонаман дейди Ҳалима опа мен Косон туманида бўлаётган ўзгаришларни ютуғларини кўрсам ўзимни бахти-

ёр ҳис этаман. Президентимиз мурожатларида кўрсатилган ишлар билан тўла тўқис фаолият кўрсатиб келаётган маҳаллаларда бўлаётган ободончилик ишлари, маҳаллаларда қ и л и н а ё т г а н ёшларга эътибор қарияларга кўсатилаётган меҳр соҳаватлар бошида фидойи Х.Сатторовадек аёлларимизни фидойи меҳнатларини кўриб қувонасан киши.

Вояга етказётган фарзанди келгусида ҳаётда ўз ўрнини топиши, касб-кори баракали бўлиб, оиласини таъминлашга қийналмаслиги борасида ота-онанинг кўнгли тўқ, хотиржам бўлса, ундан бахтли одам йўқ. Бунинг учун ёшларимиз илм-маърифатли, касб-ҳунарли бўлиши лозим. Айниқса, ушбу ҳаётини масалада ота-оналар бирламчи жавобгар шахслар саналади десак, асло ангишмаймиз.



Феруза Абдуллаева Косон тумани 28 мактабининг директори бўлиб фаолият юритиб келаётган домламиз кўп йиллар давомида мана шу мактабда она тили адабиёт фанидан сабоқ бериб ўз меҳнати орқасидан эътибор топган инсон. Ҳозирги кунда ҳам болаларга ҳам раҳбар ҳам яхши устоз сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Ҳар бир инсон меҳнати қадр топгандагина мароқланади. Ҳозирги кунда 28 мактабда Абдулла Орипов издошларини учраши Абрам Азимовни 200 ошиқ шеърлари газета журналларда чоп этилиши Феруза Абдуллаева, Ҳаловот Боллиева, Насиба Абдуллаева сингари устозлар сабоқининг меваси деб уйлаймиз, устозларимизга бундан кейинги ишларга улкан зафарлар тилаймиз келажақда ёшларимизни маънавиятли этиб тарбиялаш борасида чарчаманг деймиз.

Феруза Шухратовна 2009 йилда Қарши Давлат Университетини тугатиб 2011 йилда Қарши Давлат Университети девонхона оператори бўлиб ҳамда 25 умумий ўрта таълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаб келган. 2018 йил Қарши шаҳар 23 мактаб директори вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Ф.Шухратовна ишига талабчан, чуқур билимли малакали, ташаббускор ва фидойи мутахассис. Ҳар бир амалга ошири-

лаётган ишига адолат нуқтайи назаридан, ишдаги муаммоларни ечимини топишга масъулият билан ёндошди. Халқ манфаати йўлида хизмат қилиш учун астойдил замон билан ҳамна-



фас фикрлайдиган халқпарвар инсон бўлиш осон эмас лекин опамиз ўз меҳнати орқасидан эътибор топган. Мактабда раҳбар юқори малакали жонкуяр ва самимий инсон бўлганлиги сабабли мактабнинг 6 нафар ўқувчи танлов асосида Президент мактабига ўтканлиги 1 нафар А.Абдухалилов “Янги Ўзбекистон университети” грантга қабул қилинди. Шаҳар ХТ га қарашли мактаблар ўртасида рейтинг кўрсаткичи биринчи ўринда келаётгани албатта раҳбарнинг мактабдаги фаолиятини кўрсатиб турибди. Юқори малакали раҳбар жонкуяр ва самимий оила бекаси ҳар қанча эътибор ва эъзозга лойиқдир.

Махбула Луқмонова – Қарши шаҳар 22-мактаб директори, 40 йил давомида мана шу мактабда фаолият юритиб келмоқда. Катта тажрибага эга, ўз ишининг мутахас-



сини. Жамоаси билан бир оиладек бўлишни сири албатта меҳр деган туйғуни борлигида деб билади. Мана шундан устозлар-

нинг шогирдлари ҳам болалар ҳам яхши муҳитдан баҳраманд бўлганлиги, жамиятимизда керакли кадрлар етиштишида энг тўғри йўлни танлашади.

Ҳурматли президентимиз мурожаатларини инobatга олган ҳолда мактабда маънавий муҳитни камол топтириш борасида директор ўринбосарлари ҳам фаол иш олиб боришда бор куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Чиройли муҳитни яратишда Ганишер Юлдошев, Бахтигул Ражабова, Дилнавоз Худойназаровалар маънавият раҳбарлари 22-мактабни рейтинг даражада кўтаришда энг асосийси ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан етук бўлиши ва муҳитни яхши тутта билиши шундагина бола билим олишга интила билади.

Китобхонлик бўйича вилоят босқичида юқори ўринга эга бўлган иштирокчи телевизор совринини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Дилшода Ўринова раҳбарлик қилаётган Косон туманидаги 10-мактабда 606 нафар ўқувчи таълим олиш учун интилиб келишди. 40 нафар олий тоифали устозларимиз таълим беришади. Мактаб рейтинг даражасини оширишда ўқувчиларни салоҳияти энг муҳим рол тутди. Мана шундай фахрли ўқувчиларимизни ютуғлари, бутун мактаб, қолаверса, маҳаллани фахри бўлади. Косон туман кўрки бўлиб қолган 5-синф ўқувчиси Жўраева Хуриятхон спортнинг Каратэ тури бўйича Республикада 1-ўринни олиши яхши устозлардан таҳсил олганлигини намунаси деб уйлаймиз. Ҳозирги кунда Ўрта Осиё чемпионатида тайёргарлик кўрмоқда.

1-синф ўқувчиси Неккулов Расул 10-14 ёшли китобхонлар бўйича ёш китобхон танловида “Энг иқтидорли китобхон” номинациясини қўлга киритди. 11-синф ўқувчиси каратэ бўйича Шавкатова Рушана 9-синф ўқувчиси Исроилов Сарвар Республикада 1-ўринни, 5-синф ўқувчиси Шералиев Денис ментал арифметика бўйича Республикада олий ўринни олишга муяссар бўлишди. Мана шундай марраларга эришишда Дилшода опани жамоасидаги муҳит, таълим-тарбия яхши олиб борилган. Д.Ўринова халқ таълими аълочилиги унвони билан тақдирланганлиги энг тўғри йўлдир. Опамизга катта-катта ютуқларга эришишига тилақдошимиз.



## БЕШ ТАШАББУС - ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ ПОЙДЕВОРИ

Юртимиз ёшларининг турли соҳалардаги интилишларини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш мақса-



димиз. Мамлакатимиз Президенти тамонидан маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш учун ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг му-сика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида кампьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавий-иқтисодий тарбия, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Мазкур 5 ташаббус кенг жамоатчилик тамонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Шу билан бирга мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари тамонидан ҳар куни мавзули режалар бўйча машғулотлар ўйинлар ва тавсиялар берилмоқда. Бу эса болаларни таълимдан узоклашмаслик ва ота-оналар билан мулоқотда бўлишда самара беради.

**Дилобар МУХИДДИНОВА,**  
Қарши туман 13-ДМТТ директори

## ЖИСМОНАН ЧИНИҚҚАН ЁШЛАР КЕЛАЖАК УМИДИ

Республикада охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмиш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлигини мустаҳкам-



лашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйча юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Давлатимиз раҳбари тамонидан ёшларга бўлган эътиборни жиддий тарзда кучайтириш, уларнинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг миқёсда жалб қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш борасидаги билимларни шакллантириш, мамлакатимиз ёшлари орасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига қаратилган 5 та ташаббус ҳам бунга мисол.

Бу орқали жажжи болажонларга эгилувчан, тезкорлик, чаққонлик сифатлари ўргатилади.

Ташкилот ходимларининг ҳам жисмоний машқларга жалб этилиши тарбияланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Зулфия ЭРГАШОВА,**  
Қўқдала тумани 22-ДМТТ директори  
**Нилуфар ГАНИЕВА,**  
жисмоний тарбия юрикчиси

## НАВОИЙ ВА БОБУР ИЖОДИ - ТАРБИЯ АСОСИДИР

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд санаси билан Қамаш туманидаги 6-ДМТТ да маданий-маърифий тадбир уюшқоқлик билан ўтказилди.

Болажонлар Алишер Навоийнинг Самарқандда кечган ҳаёти, бу ерда олган сабоқлари ва унинг ижодида тутган аҳамияти, шоҳ ва шоир З.М.Бобурнинг ҳарбий юришлари, Ҳиндистонда кечган умри, адабиётга қўшган ҳиссаси ҳақида қимматли маълумотга эга бўлдилар.

Бу каби тадбирлар болажонларга буюк аводларимиз, уларнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотлар беради.

Шу куни болажонлар икки улуг шоирнинг ғазаллари, рубоийларидан намуналар айтишиб, кичик сахна кўринишларини намоёйиш этишди.



**Зухро ЮСУПОВА,**  
Қамаш туман 6-ДМТТ тайёрлов гуруҳ тарбиячиси

## ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ БОЛАЛАР ОНГИДА ШАКЛЛАНТИРИШ

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси тўғрисида"ги Қарорининг 3-бобида мактабгача таълим тизимида экологик таълимни ривожлантириш бўйча асосий вазифалар белгилаб берилган.

Мактабгача таълимда экологик илм-тарбияланувчиларини ўраб турувчи атроф, табиий муҳитни катталар ёрдамида онгли равишда англай олишлари, тушунишлари ва идрок қилишлари тушунилади.

Бунинг асосий мақсади мактабгача таълим мусассаларида болажонларни экологик маданиятининг даслабки тушунчаларини шакллантиришдир.

Жумладан, "Илк қадам" давлат ўқув дастурида экологик таълим ва тарбияга доир тегишли кўшимчалар киритилди.

Масалан, болажонларнинг ёш жиҳатларини инобатга олган ҳолда ўқув методик қўлланмаларни яратиш, муассасада экологик бурчакларни ташкил этиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш, йил

фасиллари, табиат ўзгаришлари ва фасилларга хос табиат ҳодисалари ҳақида рангли кўргазмалар ташкил этиш.

Ўйинлар жараёнида экологик кўникмаларни шакллантириш



ланади. Болада ташқи дунё билан боғлиқ экологик туйғуларни тур-

ли хил ўйинлар орқали шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Экологик таълим-тарбия мактабгача таълим ташкилотларида болаларни маънавий-маърифий тарбиялаш, уларнинг табиат гўзалликларини кўра билишларида катта ёрдам беради.

Мактабгача таълим ташкилотларида, оилада болаларга тарбия беришда болаларга тоза озода кийиниш ўргатилади, бола яшайдиган уй ва унинг атрофи тоза, шинам ва чиройли бўлса, фарзанд ҳам шундай шароитларда яшашига интилади.

Муассасамизда 8-гуруҳда 230-нафар бола тарбия топмоқда, жами ишчи ходимлар сони 54-нафар, барча тарбиячи ҳамда ёрдамчи тарбиячилар болажонларни экологик билимларини шакллантириш мақсадида турли қизиқарли ўйинлар, табиат ва атрофни озода сақлаш ҳақида тушунчалар бериб келмоқда.

**Юлдуз ЭШТЕМИРОВА,**  
Чироқчи туман 7-ДМТТ директори

## АМИР ТЕМУР - БУЮК БУНЁДКОР ШАХС

Тарихдан маълумки, ўз даврида Мовароуннахрда марказлашган давлат тузган Амир Темур дастлабки кезларданок бунёдкорликка алоҳида эътибор қаратган. Илм-фан ва маънавият

ахлини ардоқлаб, уларга ҳомийлик қилган. Кўплаб мадрасалар, кутубхоналар қурдирган.

Бобокалонимиз Амир Темур нафақат ўз юртида, балки қадами етган жамини жойда мустаҳкам иморатлар, сарой ва мақбаралар барпо қилиб, кўприк ҳамда йўллар бунёд этирган. Унинг "Қай бир жойдан гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим бир дарахт кестирсам, ўрнига ўн та кўчат эктирдим", деган сўзлари ҳам бунинг исботидир.

Соҳибқирон тамонидан 1380 йилда қурили-

ши бошланган Оксарой Ўрта асрларнинг Евро Осиёдаги энг машҳур меъморий ёдгорлиги бўлиб, ҳали археологик жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган объектлар сирасига киради. Унинг коммуникация тизими ажодларимизнинг бунёдкорлик соҳасидаги юксак ақлзаковатидан дарак беради.

Бу улуг бобокалонимиз ҳақида болажонларга тушунтириш тарих ҳақида улар онгига содда ва ровон сингдириш борасида муассасамизда буюк бобокалонимиз "АМИР ТЕМУР - БУЮК БУНЁДКОР ШАХС" тадбири бўлиб ўтди, унда болажонлар билан сахналаштирилган тамошада Амир Темур тугилган қишлоқ, унинг болалиги, усмирлик йиллари босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида болажонларга тушунтириш уларга тарих ҳақида, жасурлик матонат, юрт қадр ҳақида тушунча бериш мақсадида тадбир ташкиллаштирилди.

**Марғуба ҚОДИРОВА,**  
**Мухлиса МЕЛИКОВА,**  
Яккабоғ туман 23-ДМТТ тарбиячиси

## КОИНОТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР БОЛАЖОНЛАРГА ҚИЗИҚАРЛИ БЎЛДИ

Коинот - макон ва замонда- жи бепоен борлик, чексиз олам-



дир. Ҳар хил жисимларни, улар-

нинг тизимларини, моддаларнинг ҳаракати жараёнида вужудга келадиган космик объек-тларни (ерга қараганда бир неча миллион марта катта) ўз ичига олади.

Оламда содир бўладиган турли ҳодисалар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Улар фазо ва вақтга боғлиқ ҳолда ривожланади. Бу алоқаларга бўйсунадиган қонуниятларни ўрганиш табиатшунос-ликнинг вазифаси. Модданинг коинотда, макон ва замонда тақсимланиши, турли космик жисмлар ва уларнинг тизимла-ри астрономияда, Коинотнинг

умумий тузилиши, ўтмиши ва келажакига оид масалалар космологияда ўрганилади.

Муассасамизда ҳам болажонларга, ер ва сайёралар ҳақида содда раван тушунтириш, уларни онгида коинот ҳақида тасаввур уйғотиш, биз тарбиячиларнинг вазифамиздир, ҳар бир бола ўз қизиқиши дунё қараши билан келажакда битта касб соҳиб бўлиб, ўқиб ўрганади ва тарбия топади.

**Ҳамида РАЖАБОВА,**  
Чироқчи туман 5-ДМТТ тарбиячиси

## ХАШОРАТЛАР ВА ҚУШЛАР

Она табиат бизни ураб турган бу борлик барча-барчаси бир-бирига боғлиқ бўлган чамбар-час бир ҳилқатдир.

Мактабгача таълим ташкилотларида ҳам баҳорги ҳафта мавзусидан ўрин олган ҳашоратлар, қурт-кумир-сқалар қушлар ҳақида жажжи болажонларга тушунтириш олиб борилади.

Ташкилотимиз ҳовлиси кенг мевали манзарали дарахтларга бой, атроф гулларга бой, болажонларни она табиатга олиб чиқиш уларга қушлар ҳаёти ҳақида, қурт-кумир-сқалар ҳақида тушунча бериш, масалан хонқизини хати-ҳаракатларини кузатиш, уларни пайдо бўлиши ҳаёт йўлларида учрайдиган тусиқлари ҳақида болажонларга содда қилиб тушунтириш, қушларни турлари билан уларни ич қуриш, тухим қўйиб бола очиши ҳақида болажонларга тушунтириш бериб борилади тайёрлов гуруҳимиздаги болажонлар билан табиат қўйнида ишлаш ўқув машғулотлар ўтказиш ҳам мароқли, ҳам завқлидир.

Мусофо осмонимиз остида камол топаётган келажак ворислари, ҳар тамонлама мукаммал шахс бўлиб етишмоғи учун барча имкониятлар мавжуд.

**Лобар ҚУРБОНОВА,**  
Ўзгор туман 1-ДМТТ тарбиячиси



## ХОТИРА МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ

Хотира – ўтганларни эсла-тиб туради, ўзликни англата-ди. Кадр – инсонни улуг-лайди, жамиятни бе-зайди. Хотира ва кадрлаш куни маз-мун-моҳиятида ана шундай эзгу тамой-иллар мужассам. Мустақиллик йил-ларида мамлакати-мизда тинчлик-осойишталик, ҳам-жихатлик ва бағри-кенглик мустаҳкам қарор топди. Катта-ларга ҳурмат, кичик-ларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шу-ридан чуқур жой олди.



да "Хотира турнири" бўлиб ўтди. Ушбу турнирнинг таш-килотчиси шу мактаб-нинг рус тили фани ўқитувчиси Иркин Назаров, Маънавий ва маърифий иш-лар бўйича дирек-тор ўринбосари Рафаэл Йўлдо-шев ҳамда жис-моний тарбия фани ўқитувчи-си Рамзиддин Юсуповлар яқин-дан ёрдам бе-ришди. Файзи Ра-жабов 1947 йил 27 февралда Қарши тумани Хонобод қишлоғида оддий деҳ-

вақт жисмоний тарбия фани-дан дарс бериб келдилар. Ҳозирги кунда у кишининг бир қанча шогирдлари жис-моний тарбия фанидан дарс бериб келишмоқда. Файзи Ражабов хотирасига бағиш-лаб ўтказилган спортнинг Футбол турида 10-синф ўқу-чилари футбол жамоаси 1-ўрин, 9-синф ўқувчилари фут-бол жамоаси 2-ўрин, 11-синф футбол жамоаси эса 3-ўринларни қўлга киритишди. 1,2,3 -ўринни қўлга киритган жамоалар 1,2,3 даражали диплом билан қолган ишти-рокчилар ҳам фаол иштирок-лари учун фахрий ёрликлар билан тақдирланишди. Турнир кўтаринки руҳда ўтди.

Нуронийлар-нинг саломатли-гини мустах-камлаш, ҳаёти-ни мазмунли қилиш, кўнгли-ни кўтариш йўлида амалга ошириб келина-ётган ишлар из-чил давом этти-рилмоқда.



Аждодлар хотираси-ни ёд этиб, эзгу иш-ларини давом этти-риш, бугун сафлари-мизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзоз-лаш маънавий ҳаёти-мизнинг ажралмас қисмига айланди.

Жорий йилнинг 7 май куни Қарши тумани халқ таълим бўлимига қарашли 60-умумий ўрта таълим мактабда шу каттада узок, йиллар жис-моний тарбия фанидан дарс бериб келган Файзи Ражабов хотирасига бағишлаб спорт-нинг Футбол тури бўйича 8-11-синф ўқувчилари ўртаси-

қон оиласида таваллуд топ-ганлар. Оталари Ахмедов Ражаб иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган. Файзи Ражабов Қарши Давлат Пе-дагогика Институтини жисмо-ний тарбия факультетини та-момлаб шу мактабда бола-ларга салкам 40 йилдан ошқ

**Шахло Ражабова,**  
**Қарши туман халқ таълим бўлимига қарашли 60-умумий ўрта таълим мактаб касаб**  
**уюшма раиси**

## “ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!”

**Ҳозирги кунда ёшларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ўз имкониятлари, қизиқишлари, қобилиятларига мос касбни танлашдир. Бунинг учун юртимизда жуда кўпгина вазифалар амалга оширилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва-



зирлиги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика Ташхис марказининг 2022 йил 18 мартдаги “Таълим муассасаларида “Фарзандларимиз келажагига бефарқ бўлмайлик!” номли акциясини ўтказиш тўғриси-да”ги 10-сонли буйруғи ишлаб чиқилди. Буйруққа асосан, Республиканинг барча умумтаълим муас-сасаларида мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб бориш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Жумладан, Шахрисабз шаҳар ХТБга қарашли 20-сонли мактабда ҳам ушбу акция до-

ирасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Мав-зуга оид тренинглар ўтказилди, сўровномалар олинди, ота-оналар ва ўқувчилар билан шу мав-зуларда суҳбатлар ва учрашувлар ташкил этил-ди. Бундан ташқари, ота-оналар ташаббуси би-лан “Фарзандларимизга ўз касбларимиз ҳақида” мавзусида ўзлари фаолият кўрсатаётган корхоналарга кичик саёҳатлар ташкил этил-ди ва иш жараёнлари билан яқиндан та-ништирилди.

Худди шунингдек, яна бир саёҳат Шах-рисабз шаҳар Уймурут МФЙ да жойлаш-ган кичик саноат зонасида бўлиб ўтди. У ерда ёғ, ширинлик, салфетка, цемент, ме-бель каби халқимиз учун керакли маҳсу-лотлар ишлаб чиқарилади. Ўқувчилар тад-биркорларнинг ишлари билан танишар эканлар, ўзларида ҳам турли соҳалар бўйи-ча тадбиркорлик ташкил этиш истаги пай-до бўлган бўлса не ажаб.

Минг марта эшитгандан бир маротаба кўрган яхши, дейди доно халқимиз. Турли касб-ҳунар-лар билан фарзандларимизни яқиндан танишиш-ларига жуда қулай бўлган бундай саёҳатлар улар-нинг тасаввурларини бойитиб, ўзлари қизиққан соҳаларни тўғри танлай олишларига жуда му-ҳим имкониятдир.

**Дилноза КАРИМОВА,**  
**Шахрисабз шаҳар ХТБга қарашли 20-мактаб психологи**

## ЁШ АВЛОДНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ

Ўсиб келаётган ёш авлодни касбга йўналтириш ҳамиша сиё-сатимиз олдида турган устивор масалалардан саналади. Шу билан бирга Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108 сонли фар-мони ижросини таъминлаш мақ-садида Шахрисабз шаҳар ХТБга қарашли 19-УЎТ мактабида 2022 йилнинг 27 апрель санасида ўқу-вчилар ўз қизиқишларига мос касбни танлаб олишлари, касбий фаолиятда муваффақиятга эри-шишлари учун “Ким бўлсам экан?” номли тадбир бўлиб ўтди.-Тадбирдан кўзланган мақсад, ду-нёдаги касб ва ҳунарлар ҳақида маълумот бериш, уларни эгала-лаш учун инсондан талаб этила-диган истеъдод, кунт ва сабр-қаноат зарурийлиги ҳақида ту-шунча бериш. Тадбирда мактаб-нинг 8 “А”-синф ўқувчилари иштирок этиб 5-босқичда ўзаро беллашишди.“Ҳуқуқшунос” ва “Муаллим” гуруҳи 3-босқич бади-ий қисм шартиди “Жанжалкаш

ўқувчилар”, “Бир умрлик дарс” номли саҳна кўринишлари орқали ҳозирги замон таълим соҳасидаги глобал муаммолар ўқувчи ёшлар ўртасидаги тур-ли ҳуқуқбузар-лик ҳолатлари, дарс вақтида содир этилади-ган тартиб бу-зарлик, мактаб ички интизо-мига амал қил-маслик ҳолат-лари оқибати нимага олиб келиши тўғри-сида ўз чиқишлари билан йиғил-ганларни эътиборини тортиш-ди. Шунингдек касб типлари, касбни эгаллаш йўллари, тиббий монеликлар, фаолият мазмуни, касбий ўсиш истиқболлари, шу билан бирга мутахассисга қўйи-ладиган талаблар ҳақида бешин-чи босқичда ўз билимларини намоиш этишди. Ўқувчилар аг-роном, бўёқчи, дурадгор, геолог,

элчи, кулол, шифокор, журна-лист, милиционер, ўқитувчи каби касб ва ҳунарларнинг аф-залликларини чиройли шеър-ларида акс эттириб беришди.



Тадбирда 4-“А” синф ўқувчи қизлари ўзларининг чиройли кўшиқ ва рақслари билан йи-гилганларга завқ беришди.

**Дилафруз ПҲЛАТОВА,**  
**мактаб психологи**  
**Мукаррам АРОЛҲОВА,**  
**Шахрисабз шаҳар**  
**19-мактабнинг техноло-**  
**гия фани ўқитувчиси**

## ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТУРНИР

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва дол-зарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу ма-

ди. Гуруҳ иштирокчилари икки каман-дага бўлиниб беллашишди

1-гуруҳ “Келажақ”

2-гуруҳ “Ёш авлод ” деб ном олди.



Мусобақа иштирокчилари қуйидаги шартлар билан беллашишди.

Югуриш, кураш, куч си-нашиш, ақл шархи ишти-рокчилар мусобақада фаол қатнашиб томоша-бинлар олқишига сазовор бўлди.

Биринчи шартда “Ёш авлод” гуруҳи мўлжаллан-ган масофани биринчи бўлиб босиб ўтишди.

Мусобақа иштирокчи-лари қуйидаги шартлар билан беллашишди.

Иккинчи шартда “Ке-лажақ” гуруҳининг қўли баланд келди.

Куч синашиш шартиди натижа дуранг билан якунланди. Ақл шархи яъни шаш-ка ўйнаш шартиди бир хил натижага эри-шилди. Турнирда атаб ўтказилган мусо-бақада дўстлик ғалаба қозонди. Жажжи болажонларнинг кўрсатган натижалари ҳакамлар томонидан рағбатлантирилди.

Д.Темирова, Д.Хосиятова, Ю.Тўйчи-ева, М.Нормуродовалар ҳакамлик қилишди.

**Дилафрўз ХОСИЯТОВА,**  
**Касби тумани 27-сонли**  
**ДМТТ методисти**

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Бугунги кунда психология соҳаси ва психологик билимларга бўлган эҳтиёж кундан кунга ошиб бормоқда. Соҳада иш олиб бораётган мутахассислар фаоли-ятини ёритиш, оммалаштириб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ота-она фар-зандининг тарбия-си – ўқиши, бўш вақтни қандай ўтказаётгани, ким-лар билан дўст эканига бефарқ бўлса, боз устига оилада ҳам хотир-жамлик ҳукм сур-маса фарзанд ру-ҳиятига ноқислик сезилади, феъл-атвори, хулқи сал-бий томонга ўзга-ради. Вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг асо-сий сабаби ҳам тарбияга, оилавий вақтини таълим муассасасида ўтказилади-дан ўғил-қизларга тўғри йўналиш бериш, улар руҳиятини соғломлаштириш вазифаси мактаб психологи зиммасига тушади.

Улар албатта олий маълумотли, психология соҳасида бир-неча йиллик стажга эга бўлиши керак. Чунки психологнинг ўқувчилар, ота-оналар, педагогик жа-моа билан ишлашини эътиборга оладиган бўлсак, бу мутахассис ҳар бир ўғил-қизнинг, ота-онанинг ички дунёсини илғай олиши, улар билан ғоят самимий муносабатга киришиши, педагогик жамоанинг эса жипслашувига хизмат қили-ши, яъни мактаб муҳитини соғломлаштириш сирларидан воқиф бўлиши қутил-ган натижани беради.

Бугун мактаб психологи олдида кўп вазифалар турибди. У тест ва тренинг-лар ўтказиши, мактаб ички қонунларига бўйсунмаётган ўқувчилар билан суҳ-батлашиши, сўнгра хулосаси асосида ўқувчи ва ота-оналарга йўналиш бери-ши, мактабдаги психологик муҳитни яхшилашга эришиши зарур.

**Нилуфар НОРМУРОВОДА,**  
**Касби тумани 54-мактаб психологи**

## ОНАМ

Онам мени меҳрибонгинам, чиройлигим, онажон, Сиз мени жаннатим-онам, беъзорим онажон! Сиз мени борлигимсиз, онажоним ўзимни Уйимизнинг тўри сизники, меҳнаткаш онажон!

Жаннатимсиз, борлигимсиз, дунёдаги ягонамсиз, Мени сизни яхши кўраман, онажоним ўзимни. Байрамларда гуллар берай, совға қилиб меҳримни, Доим гулдай очилиб йуриг, меҳнаткашим онажон!

**Шахло АБДИНАЗАРОВА**  
**Касби туман 35-мактабнинг**  
**6 “Б”-синф ўқувчиси**



## ХОТИРА АБАДИЙ ХОТИРА МАНГУ

Хотира ва қадрлаш инсонийлик мезонлардан биридир. Ўтганларни барча яхши Сифатларини ёдга олиш уларни Ёш авлодга ибрат бўладиган фазилатларини ёдга олиш барчамизни бурчимиздир.



Умр ўткинчи унинг оқар дарёга ўхшатамиз. Ватаним жон куярлари Қарши туманига қарашли ўзим ишлаган 21-мактабда 9 май – Хотира, қадрлаш муносабати билан ташкил этилган тадбирда тақлиф этилдим.

Қундуз Эламонова, Тўра Халимов, Мусаллам Ёмғирова, Махфират Ботинова, Рисолат Қаюмова, Туроб Равшанов булар халқимиз фарзандларига таълим беришини асосий бурч деб билган ўз касбининг чинаккам фидоий инсонлари бўлган. Тадбирда уларнинг ҳамкасблари қишлоқдошлари қатнашиб уларни ижодий ишлари ҳамда хотираларидан сўзладилар уларнинг хотираси олдида бош эгдилар.

Азизлар сизларни қалб ардоғида бўлган фасллар ичра эрка келинчақдек кириб келаётган баҳор! Ўз қучоғида сизлар севган гулу-қизғалдоқларимни олиб келмоқда эди-ку фақатгина сизлар йўқ. Азизлар сиз баҳорга етолмадингиз. Ўзингиз билан бирга орзу хавасларни олиб кетдингиз. Азизлар сизлардан нима қолди? Ушалмаган орзулар, ширин-ширин фарзандлар.

Азизлар ҳар йилги Баҳорда сизнинг қабрингиз ўзра гул-у лолалар очилади.

Гул-у лолалардан тушган шабнамлар қабрингиз ўзра кўз ёш бўлиб тўкилади.

Қабрингиз ўзра қалдирғочлар ҳам баланд эмас пастлаб ўтади.

*Сиз кетдингиз бағрим итамлаб*

*Туғулган бу юрт Шойхўжада руҳингиз кезар*

*Ҳақиқат ғолибдир ҳақиқат кезар*

*Ойдин момо сўбхидам сўзларин ёзар.*

*Шод бўлсин руҳингиз доимо!*

*Ойдин момонгиз сизларни эслар ёд этар.*

*Қўлда қалам кўзда ёш фарёд этар*

*Дўстлари ҳамкасблари тўпланганда бош эгик.*

*Қуръон тиловат руҳларингиз шод этар.*

Ойдин момо

## БАҲОР

Баҳор ойим келдингми,  
Бахтга тўлиб елдингми,  
Алвон рангли лолангни,  
Табиатга ёйдингми.

Шивирлаб ёлган ёмғир,  
Чанг-ғуборни ювади.  
Саҳар сайраган булбул,  
Дилгинам овутади.

Баъзан майин шаббода,  
Сочларим эркаласа,  
Дилим яйраб шу онда,  
Кувнаб кетаман роса.

## ОНА

Онам сочингизда гуллар ифори,  
Шу боис бағрингга талпинганим рост,  
Ҳамиша қалбимда унинг жамоли,  
Волидам дуоси ёнимда йўлдош.

Сендаги меҳрнинг баҳоси йўқдир,  
Қўнгилдаги кемтик сен бир-ла тўлар  
Онаси ҳаётни маъноси йўқдир,  
Онам бир-ла ҳаёт жилвакор бўлар.

**Сарвиноз КАРИМОВА,**  
**Қарши шаҳридаги 46-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 8 “Б”-синф ўқувчиси**



## БАҲОРГА АЙТИБ

Мажолсиз, мадорсиз тентираб дайдиб  
Елғиз оёқ йўллардан юриб бораман  
Тонгларга қўл тутиб, баҳорга айтиб  
Сенга атир гул бериб юбораман  
Оллоҳнинг уйи осмон бошимга паноҳ  
Умр қўшиғларидан яйрайди диллар  
Машраф тушларимда қилади огоҳ  
Оқ қўшларга бериб қайтмайди йиллар  
Ғижимлаб укситиб йиғлатса армон  
Толғлар бардошига елкам тутуман  
Исмингни айтсам ҳам дардимга дармон  
Юлдузларга бермай сени кутаман.

Мўҳиба НАЗАРОВА

## ЯХШИЛАР ЁДИ МАНГУ ЯШАЙДИ

Хотира абадий қадр муқаддас инсон ҳаётда яшар экан албатта эзгу ишларини амалга оширишга ҳаракат қилиб мақсад сари олға интилади. Ҳар бир инсон ҳаётдан яхши ном қолдиришга умид боғлайди. Ижодкор журналист Бекзод Назаров қадрдон ўғлим (раҳматли) узоқ йиллар Республика вилоят туман телевидения ва газеталарда сермахсул ижод қилган эди. Олийгоҳда ўқиган вақтларида ҳам яхшиликка қалам ижоди бор эди. Шеърлар ёзиб газеталарга чиқаришга қизиқиб тезроқ машҳур журналист бўлишни орзу қилар эди. Вилоятда кўпгина инсонларни иш билан таъминлади, тадбиркор инсон эди. Гарчи қисқа умр кўрган бўлсада у кишининг эзгу ишлари яқинлари фарзандлари қалбида ижоди эса “Воҳа” газетасида муҳрланиб қолди.

Қабрингиз ўзра йиғлайди инсон  
Шогирдларингиз юраклари қон  
Нур билан чулғансин ётган жойингиз  
Доимо табарруқдир хоки пойингиз  
Дуога очканда дуо қилайлик  
Улар ҳақида дуо қилайлик  
Қабрлари ўзра унсин лолалар  
Ҳар доим уларни йўқлаб турайлик  
Йиллар ўтса ҳам унутиб бўлмас  
Азиз инсонларни нурли чехрасин  
Дўстгинам шоҳида ёдга олиб қўйинг  
Сиз учун қалам ушлаган инсон хизматин.

Ойдин момо

## ОТАЖОНИМ ҚАЙЛАРДАСИЗ!

Дардимни шеър айтиб йиғладим

Меҳрингизни қумсаб йиғладим

Бугун сизни йўқлаб йиғладим

Отажоним қайлардасиз

Ҳеч бўлмаса буён келсангиз

Бағрингизга бир-бир боссангиз

Пешонамдан суюб ўпсангиз

Отажоним қайлардасиз.

Бу кўхна дунё ишига

Раҳм қилсам етим жоним жонига

Қисмат экан аммо йўқсиз ёнимда

Яшаяпсиз аммо қалбимда

Шомуродзода Ширин

## БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ

Инсоннинг илмга бўлган чанқоқлигини қондирувчи илк зиё чашмаси бу албатта умумтаълим мактабларидир. Мактабда ўқувчи шахс сифатида шаклланади. Ундаги барча иқтидор ва қобилиятлар барқ уриб, ўзини намоён қилади.

Чироқчи тумани ХТБ га қарашли 100-умумий ўрта таълим мактабида 9 апрель куни Соҳибқирон Амир Темури бобомиз таваллудининг 686 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Ажойиб сахна кўринишлари, рақс-у кўшиқлари билан даврадагиларни кўнглини кўтарибгина қолмай, мактабимизнинг фаол ўқувчилари тадбирни кўтаринки руҳда ўтказдилар.



Тарихга бир назар ташласак, Амир Темури ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси - 1336 йил 7 апрелда Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғи (ҳозирги Яққабог тумани)да туғилди. Унинг тўлиқ исми Амир Темури ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул. Амир Темурининг онаси Такина хотун бухоролик. Отаси амир Тарағай эса барлос уруғининг оқсоқолларидан ҳамда Чигатой улусининг эътиборли бекларидан

ҳисобланган. Унинг ажодлари Кеш вилоятида ҳокимлик қилишган. Амир Темурининг ёшлиги Кешда ўтди. Етти ёшга тўлган, отаси уни ўқишга берди. Темури ёшлик чоғлариданоқ махсус мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш, бошқа турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлган. У табиатан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли

ҳамда ниятда зийрак, кишилардаги қобилият, фазилат, айниқса, самимиятни тезда фаҳмлаб оладиган инсон бўлган. Албатта бу инсон ҳақида қанча гапирсак ҳам кам.

Дарҳақиқат, мактабимизда талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Шу йили мактабимиз психологи Мавлуда Бекназарова

устоз кўп йиллик хизматлари учун “Вафо ва садоқат учун” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бундан ташқари мактабимизда иқтидорли ва билимга чанқоқ ўқувчиларимиз ҳам йўқ эмас. Мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жасмина Шавкатова она тили ва адабиёт фанидан 2-тур олимпиадасида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллаб вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритганлиги учун 3-даражали диплом билан тақдирланди. Ҳа, ўтказилаётган бу каби тадбирлар, амалга оширилаётган ҳаракатлар эртанимиз эгаларининг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Зарифа ҚИЛИЧЕВА,**  
**Чироқчи тумани 100-мактаб ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи**

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Республика Кенгаши ва Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг 2022 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2022 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тизимида “Меҳнат муҳофазасининг ижобий маданиятини биргаликда шакллантирамиз” шиори остида ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида”ги 6-81 “С”- сонли қарори ҳақида” ги 6-23 “С” ва 6-43 “С”-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Ижроия қўмитасининг 2022 йил 14 апрелдаги 7 - 5 “С”

сонли қарори чиқарилди.

Жорий йилнинг 27 апрель куни Нишон туманидаги 1-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактабда “28 апрель - Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш куни”га бағишланган “Меҳнат муҳофазаси ҳафталиги” муносабати билан “Меҳнат муҳофазасининг ижобий маданиятини биргаликда шакллантирамиз” шиори остида тумандаги умумий ўрта таълим мактаби касабаси уюшма қўмитаси раислари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

Ҳафталик жараёнида ўтказилган тадбирлардан асосий мақсад корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берадиган бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга иш бери-

чилар ва ходимлар эътиборини қучайтириш, меҳнат муҳофазасига оид норматив ҳужжатларга амал қилиш устидан жамоатчилик назоратини



қучайтириш ҳамда меҳнат гигиенасига амал қилишга қаратилди.

**Б.ЖАВЛИЕВ,**  
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Нишон тумани бўлини раиси**

## МАТЕМАТИКА ОЛАМИ ҲАҚИДА....



Қарши давлат университети томонидан 2008 йил 29 июнь Абдуллаева Латофат Сунатовнага берилган рўйхат рақами В № 377779 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқотилганлиги сабабли

**БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев олимлар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари билан учрашувларида ёшларда математика фанига бўлган қизиқишларини қучайтириш, иқтидорли болаларни тарбиялаш, болалар учун мазкур фандан оддий ва тушунарли тилда ёзилган оммабоп дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, математик онгни, керак бўлса, боғчадан бошлаб шакллантириш вазифаси қўйилди. Математика ҳамма аниқ фанларга асос. Бу фанни яхши билган бола ақлли, кенг тафаккурли бўлиб ўсади, исталган соҳада муваффақиятли ишлаб кетади, - дедилар Президентимиз.

Юртбошимизнинг мана шу фикрларидан руҳланиб, ўқувчи ёшларга математика олами ҳақида қизиқарли маълумотларни бериб ўтишга мақсад қилдим.

Математика — кичик ёшимиздан танишишни бошлайдиган кенг илм. Шу сабаб унинг биринчи синфдан дарс сифатида ўқитилиши бежиз эмас. Машҳур математик олим Т.Н.Қори-Ниёзий эса бу фанга юксак таъриф бериб ўтган “Математика фанлар ичра шох, унинг сирларидан бўлингиз огоҳ!”. Шундай экан бу фанни пухта ўрганишимиз кераклиги англаймиз.

**Нурали СОАТОВ,**  
**Чироқчи тумани 6-ИДУМ математика фани ўқитувчиси**

Касби тумани 21-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2012 йил 13 июнь Хонкулова Ойсулуга берилган UM № U 5487719 рақамли шаходатнома йўқотилганлиги сабабли

**БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.**



**Маънавий-маърифий, ижтимоий-оммабоп нашр**

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0811 - рақам билан 02.02.2012 йилда рўйхатга олинган.

Газета «Photo Express» ИЧКда офсет усулида 150 нусхада чоп этилди. БОСМАХОНА МАНЗИЛИ: Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 22-уй.

**Бош муҳаррир:**  
Сарвиноз ХУСАИНОВА

**ҲАМКОРЛАРИМИЗ:**

Келажақ интернет телерадиокомпанияси

Газета Ўзбекистон Республикаси ҳудудда тарқатилади.

<http://vohapress.uz>

**e-mail: gazeta.voha@mail.ru**

Газета ҳафтанинг жума кунлари чоп этилади. Сотувда эркин нархда.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газетада INTERNET материалларидан фойдаланилди.

Таҳририятга келган қўлёзмаларга жавоб ёзилмади ва муаллифга қайтарилмади.

**Муассис:** «Қашқадарё кўзгуси ОАВ» МЧЖ Газета муассис компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

**Қаршида:** 180018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 22-уй, 1-қават.

**ТЕЛЕФОН:**  
+99875 227-50-04

**РЕКЛАМА, ОБУНА ВА СОТУВ БЎЛИМИ:**  
+99890 517-50-05

**Нашр индекси - 659.** Топширилди: 19.00. Босишга топшириш вақти: 21.30. Буюртма № . Ҳажми 2 босма табоқ. Бичими А3. 1 2 3 4 5 6



**16+**



Севинч Холёрова Қарши туман 60-мактаб 3 “б”-синф



Жалолиддин Акбаров Қарши туман 60-мактаб 3 “д”-синф



Ахатова Шахриёна 60-мактаб 2 “д”-синф



Сарвиноз НУРИЕВА,

Қарши туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси

## МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИ ЁДГА ОЛИНДИ

Қамаши туманидаги 91-умумий ўрта таълим мактабида Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда

Ўқувчиларнинг бийрон тилида жаранглаган Ватан, она, тинчлик ҳақидаги шеърлари йиғилганларга ўзгача завқ улашди.



мактаб ўқувчилар ва ўқувчилари, ота-оналар иштирок этишди.

Дастлаб, сўз олганлар шоир ижоди ва ҳаёти ҳақида гапиришди. Сўнг оташқалб шоирнинг ижодий намуналари, шеърларидан ўқилди.

Мактабда беш ташаббус ижроси бўйча ишлар амалда. Жумладан, китобхонлик борасидаги ишлар таҳсинга лойиқ. “Хар ҳафтада беллашувда ўқувчилар ўқиган китобидан иншо ёздирилади. Фолиб ўқувчилар тақдирланади.

Тадбир давомида мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси тамонидан Муҳаммад Юсуфнинг ижодий йўли ҳақида сўзланди. Унга кўра шоирнинг дастлабки шеърлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида 1976 йил-

да эълон қилинган.

Шундан сўнг “Таниш терактлар”, “Булбулга бир гапим бор”, “Илтижо”, “Уйкудаги қиз”, “Ҳалима энам аллалари” каби жуда кўплаб тўпламлари нашр этилди.

Шунингдек, шоир асарларидан юқори синфлар иштирокда бадий чиқишлар саҳналаштириб кечага ўзгача файз шукуҳ бахшида этишди. Дарҳақиқат у ростгўй шоир, ҳалол ва покиза қалб эгаси. У муҳаббат ҳақида куйлайдими, бевафо ёр ҳақида кўшиқ тўқийдими ёки тарихимиз ва тақдиримиз саҳифаларини қаламга оладими, уларда ҳамиша ҳаётга, ҳақиқатга ҳамнафаслик сезилиб туради. Унинг шеърлари равон ва соддалиги билан ҳалқ оғзаки ижодига ҳамоҳангдир.

**Замира ЖАЛИЛОВА,**  
Қамаши туман 91-умумий ўрта таълим мактабнинг 2-тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

## БОҒЧАЛАРДА “ЯШИЛ ЧИРОҚ” ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Косон туман ИИБ томонидан ёш авлод вакилларига йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ойлиги доирасида ҳудуддаги барча мактабгача таълим ташкилотларида инспекторлар иштирокида амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Косон туманидаги 18-ДМТТда ҳам “Яшил чироқ” тадбири ўтказилди. Тарбиячилар томонидан тайёрланган тадбирда сафда шахдам қадам билан белгиланган қоидалар бўйича юришларига



алоҳида эътибор қаратилди.

Муассасада барча тадбирлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Болажонларга таълим-тарбия олишида керакли шарт-шароитлар яратилган.

Юқорида қайд этилганидек, мазкур йўналишдаги тадбирлар барча боғчаларда ўтказилиши белгиланган.



**Тозагул ЯХШИЕВА,**  
Косон туманидаги 18-ДМТТ тарбиячиси

## НАВРЎЗ ШУКУҲИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Болаликни бир сўз билан баҳор фаслидек беғубор, қувноқ, ўйинқароқ, шўхликларга бой онларнинг жилолари акс этган манзарага ўхшатиш мумкин. Уларнинг қулгуси, кўзларидаги қувончи бутун оламни ёритадигандек гўё. Юртимизда ҳаёт пиллапоясини шахдам қадамлари билан босиб ўтаётган келажагимиз эгалари, ватанимиз эрталари бўлиши ёш авлод ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Мактабгача таълим – бошланғич таълимнинг узлуксиз қисми ҳисобланади. У болада ўқишга бўлган иштиёқни уйғотади. Ёш авлоднинг соғлом, ривожланган, мустақил шахс бўлиб етишини таъминлаб берадиган, қобилиятини намоён этадиган маскан десак муболаға бўлмайди. Ана шундай бағрикенг даргоҳлардан бири Ғузур туманида жойлашган 3-сонли ДМТТ да инсониятни ҳайрат ва ҳаяжонга солувчи яшариш, янгиланиш бутун оламга гўзаллик, нафосат меҳр-муҳаббат байрами бўлиши “Наврўз” аёмига бағишланган саҳналаштирилган ижодий Баҳор келди, келмоқда Наврўз деб

номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбир давомида ҳар хил рақслар ва куй кўшиқлар саҳна курунишлари билан бойитиб ўтказилди. Тадбирдан завқланган болажонлар, ота-оналар жуда маъмнун булишди.

Юртимизда яшариш баҳор нафосат ва гўзаллик рамзи Наврўзи олам шукуҳи кезмоқда. Баҳор деб аталмиш дилбар фаслда табиат ҳам жамиятимиз ҳам кундан кунга ўзгариб, янгиланиб боради. Ҳалқимиз қорлар билан қопланиб турувчи тоғлар бағридан эриб оқаётган сувларга, само ўзра нурларга беланиб ёғайтган ёмғирлардан ниш уриб чиқаётган бинафша чечакларни соғиниб нафосат ва гўзаллик оламига бурканиб яшайдилар.

Бу байрамда илоҳий муъжизалар буй бериб қалбларга меҳр ва муҳаббат нурларини бахшида этади.

**Гавҳар ХАЙДАРОВА,**  
**Маржона НУРХОНОВА,**  
**Муҳайё НОМДОРОВА,**  
Ғузур тумани 3-ДМТТ тарбиячилари



**Хар бир инсон ўз болалигига қайтишни истаб яшайди...**

Агар зимдан қузатсангиз болажонларнинг қувноқ ўйинлари, шириндан-шакар қилиқларидан тортиб ҳатто аразларигача содда ва самимий. Шунинг учун бўлса керак болалик соғинчи бизни бир зум ҳам тарк этмайди.

Биз ўз болалик чоғларимизни оптимиздан униб-ўсиб келаяётган азиз фарзандлару набираларнинг мусаффонинг оҳларидан топамиз! Нишон туманида жойлашган 18-давлат мактабгача таълим ташкилотидан болажонлар таълим-тарбия олиб келмоқда. Эрта тонгданок бола-

лар ўзинингсевибли масканига ошиқадилар. Сабаби тарбиячи устозлар уларга меҳрибонлик билан

## ЖОНАЖОНДАРГОҲ



қизиқарли машғулотлар олиб боради.

– Бизнинг 18-давлат мактаб-

гача таълим ташкилотимизда турли тўғараклар олиб борилади. Баҳор фасли янгиланиш яшариш фасли бўлиб боғчамизда «Гуллар байрами» мавзуларида байрам тадбирлари ўтказилди. Тадбирни юқори савияда ҳозирги замон талабига миллийликни тарғиб этган ҳолда тайёрлаган, болажонларни барчаси миллий либосда кўшиқ, рақслари, шўрлари, лапар кўшиқлари билан иштирок этди. Тадбирда иштирок этган болажонлар чиқишлари билан барчага аъло кайфият бахшида этди.

Байрам тадбири якунида баҳор фасли мадҳ этилган дилтортар кўшиқлар ижро этилди. Болажонлар рақсга тушди.

**Гулзода ХОЛБЕКОВА,**  
**Сожида БОЙМУРОВА,**  
Нишон тумани 18-ДМТТ тарбиячилари



Шунинг учун 1-синфда касбга йўналтириш машғулоти йўли тарзида ташкил этилиши лозим. 6-7 ёшга келиб бола бирор-бир буюмни қисмларга пайдо бўлиши яна қайта йиғма оладиган бўлади. Аммо бу қобилиятнинг ривожланиши боладаги бадий, ижодий фаолиятнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шунинг инобатга олган ҳолда машғулотларни болажонларнинг қизиқишларига қараб режалаштириш керак. Болажонларни тинглаш ва муҳокама қилиш, унга ўз фикрини билдириши, ребус, турли бошқотир-

маларни ечиш билан, уларнинг ақлий-интеллектуал қобилиятини ривожлантириш орқали касбга бўлган илк қизиқиш ривожлантириб борилади. 12-13 ёшга келиб эса ўқувчиларни кўплаб машҳур инсонлар – олимлар, ёзувчилар, бастакорлар, рассомларнинг илм-фанга, адабиёт, мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишларини касбий маълумотлар, касбларнинг инсонларга қўядиган талаблари, меҳнат жараёнларининг хусусиятлари, мазкур касбларни эгаллаш борасида ўқувчилар ўртасида ҳар хил сўровномалар, суҳбатлар ташкил этиш мақсада мувофиқ. Уларни ўзига ёққан касбга қатъий қизиқиш ҳосил қилиши учун зарур маълумотлар билан таништириш, тўғри маслаҳатлар бериб, ўзининг индивидуал-психологик хусусиятларига мос келадиган касб-хунарга йўналтириш фойда беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, касб-хунарга тайёрлаш ўқувчиларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, ижодкорлик қобилиятлари, кўникма ва шахсий сифатларининг шаклланишида муҳим босқич бўлиб, ўқувчилар ва дарсдан ташқари машғулотларга ижодий ёндашиш, таълим жараёни ҳамда касбий тарбияни муаммоли таълим асосида умумлаштиришга асос бўлади.

**Сарвиноз БАРАТОВА,**  
Китоб туманидаги 36-мактабнинг амалиётчи психологи

